



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

◆ 22 март 1970 йил, якшанба ◆ № 68 (14.534). ◆ Баҳоси 2 тийин.



120 ТАСИ НАСЛГА

ШУРЧИ. [«Совет Ўзбекистони» мухбиридан]. Райондаги Жданов номи совхозининг Турсуни Бегматов чўпонлик қўлаётган отарида 500 бош ҳисор совлиқнинг ҳар 100 бошидан 140 тадан қўзи олинди. Қўзларнинг 120 таси наслга қолдирилди. Шундан қилиб, бош чўпон Турсуни Бегматов ҳисори қўзлардан эгиз қўзи олишда Сурхон диверда рекорд қўйди.

ҚЎЗИЛАТИШ НАМУНАЛИ ҲЎТСИН!

ЧЎПОНЛАР ҚАРОРИ

Ҳар 100 совлиқдан 132 тадан қўзи олинадиган Наслга қўзи қолдириш ва 125 процент бажарилади. Бирор бош қўзининг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз. Қўйчи-вонларга саклаб қўлигани қўзининг сонига қараб ҳақ тўланади.

СИРДАРЕ областининг машҳар Форис райониди қоракўл қўйларнинг қўзилаши оммавий тус олди. Қўзи кеча район ҳўжалиқларида 5 мингдан зиёд совлиқ қўзлагани ҳақида хўшбабар тарқалди. Бу йилнинг ўтган йиллардан таровути шундаки, қўйчилик совлиқлар эгиз қўзи беришти.

Қоракўлчиликда мамлакатимизга донг таратган «Қизилқум» совхоз чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қўзи кеча 1161 бош совлиқ тўғди, улардан 1625 соғлом қўзи олинди. Қўзларнинг ҳаммаси насл учун қолдирилди. Мавсум бошидан буён эса 5 мингдан зиёд совлиқ қўзилади. Дастлабки маълумотлар совхоз бўйича ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 140 тадан қўзи олиш мумкинлигини исботламоқда.

«Чимқўрғон» совхоз чорвадорларининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамма отарларда қўйлар ёнига қўзлар қўшилади. Кеча отарларда 883 совлиқ қўзилади, 1059 та қўзи олиниб, шундан 900 таси насл учун асрашга қолдирилди. Райондаги Киров номи, «Форис» ва бошқа совхозларда ҳам қўзилашти кампанияси ташкилий жиҳатдан ушшоқлик билан ўтказилапти.



100 БОШ СОВЛИҚДАН

160 ҚЎЗИ

ҚАРШИ райониди «Ишона» наслчилик совхозининг чўпони Тошўлат Шунуров отаридаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 160 тадан қўзи олиб, шундан 125 тасини наслга қолдиришда. Юқоридаги суратда Тошўлат Шунуровни кўриб турибсиз. Пастдаги суратда шу райондаги Марк Марис номи колхозининг чўпони Норбой Чўнов. Унинг отаридаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 160 тадан қўзи олинишда. Колхоз бўйича бу йил 7620 бош қўзи устиришга қолдирилади.

А. Тўраев фотолари.



ВАЪДА БЕРДИНГМИ-БАЖАР!

БИЗНИНГ АҲДИМИЗ

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

ПАХТА —

500 минг тонна

ДОН —

25 минг тонна, шу жумладан шоли 6 минг тонна

САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА —

64,7 минг тонна

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ МАҲСУЛОТИ —

25 минг тонна

МЕВА ВА ҲУМ —

18,5 минг тонна

ГУШТ —

13,6 минг тонна

СУТ —

46 минг тонна

ТУХУМ —

40 миллион дон

ЖУН —

410 тонна

ПИЛЛА —

4290 тонна

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ 1970 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Ф. ШАМСИДИНОВ ШАРҲЛАЙДИ.

Фарғоналиклар устоз пахтакорлар номини олишган. Улар ўзларининг ана шу шарафли номларига муносиб бўлиб келдилар. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида давлатга пландан ташқари 39 минг тонна пахта топширилган, бошқа маҳсулотлар етиштириш анча қўлайтирилган бунинг далилидир.

Ленин эътирофи эгиз керакки, 1966, 1967 ва 1968 йилларда пахта тайёрлаш плани анча ошириб бажаришга бўлса, бултур план тўғмай қолди. Давлатга белгиланганга нисбатан 29 минг тоннадан кўпроқ пахта нам топширилди. Шу сабабли ҳосилдорлик 1968 йилдаги нисбатан 1,4 центнер, 1966 йилдаги нисбатан эса 2 центнер намайиб кетди.

— Бунинг сабаблари нимадан иборат?

— Бунинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, бултур об-ҳаво шароити пахтачининг учун жуда ноқулай келди. Пахтакорларимиз бой тажрибаларини, билим ва маҳоратларини юз берган қийинчиликларини бартараф этиш учун курашга сарфлагилар. Аммо барбиров ҳосилнинг етилишидаги кечикишни бартараф қилиб бўлмади. Қолаверса, областимиз пахта майдонларининг жуда кўп қисмида йилгасаллиги тарқалган. Ана шу насллик кейинги йилларда ва ҳуусан бултур янада кучайди ва ҳосилга катта зарар етказди.

— Бу йил пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш ва ялли ҳосиллини қўлайтириш, олинган мажбуриятларни бажариш учун нимадан ийилишти?

— Биринчи навбатда вилтага қарши кураш кучайтирилди. Шу мақсадда алмашлаб экишни жорий этишга катта эътибор берилди. Чунки бундан вилтни йўқотиб ва ҳосилдорлигини ошириб бўлмайди. Бу йил вилтдан қаттиқ зарарланган 40 минг гектар майдондаги пахтани беда, маканқўхори ва бошқа экинлар унингга кўчирмади. Пахтадан бўшган ерларга эса беда ва бошқа экинлар экинди.

Бу йил 3,9 минг гектар, келгусида 23 минг гектар, 1980 йилгача эса 70 минг гектар янги суғориладиган ерларни ўзлаштириб, унга пахта, беда ва бошқа экинлар экиш ҳамда шу тариқа алмашлаб экишни тўла йўлга қўйиш назарда тутилади. Шу йилнинг ўзидеги 12,3 минг гектар ерга беда экилади ва бедапошлар майдони 30 минг гектарга етказилди.

— Чингит экинга тайёргарини кўришнинг аҳволи қандай? Техника ремонтини пачон тўғатилди? Маҳаллий ўғит жамғариш соҳасидаги қолоқликка барҳам бериш юзасидан қандай чоралар кўрилди?

— Чингитни айтганда, чингит экинга тайёргарини кўриш соҳасида ҳамчиликлариимиз бор. Област партия комитети техника ремонтини тезлаштириш чораларини кўрди ва бу муҳим иш яқин кунлар ичиде тўла тўғаланади. Планда белгиланган миқдорда маҳаллий ўғит тўплаш юзасидан районлар ва ҳўжаликлариимиз раҳбарлари олдида қаттиқ талаб қўйилди. Биз бу соҳадаги топшириқнинг тўла бажарилишига албатта эришамиз.

БАРАКАТ-ЕЖАМДА

КОНЧИЛАР ШИЖОАТИ

САРИОСИЕ. [«Совет Ўзбекистони» мухбиридан]. Шарғун кўмир конининг шахтёрлари, инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ ҳўжалиғида тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш ҳақида»ги Хатини чуқур ва атрофлича муҳокама қилиб чиққанларидан кейин асосий диққат-эътиборларини мавжуд ички коният ва резервларни ишга солишга қаратдилар.

Шахта-коллектив ишлаб чиқаришда тежамкорликка қаттиқ риоя қилган ҳолда кўмир қазиб чиқаришни қўлайтириш учун бир қанча муҳим тадбирларни белгиледи ва уларни дарҳол амалга ошира бошладилар. 8, 9, 11-лаваларда пайвандлаш ва монтаж қилиш қатламларини ойига 20-25 метр масофача бажариш ва тоғ жинсларини проҳод қилишни тезлаштириш ҳисобига йўл-йўлак қазиб олинадиган кўмирни ҳар ойда 3000 тоннага қўкети-

риш мумкин эканлигини амалда исбот қилдилар. Бундан ташқари, 5-сонли штольнянинг бошлиғи ҳисабига бетон ётқизилганлиги ҳамда 8-сонли ишлаб йўлга металл трубалар ўрнатилганлиги натижа-сида қазиб олинган кўмирнинг вагонеткаларга ва бункерларга сирғалиб тушиши бир ярим беравар тезлашди.

Натижада юбилей йилининг ўтган дастлабки икки ярим ойида яхши натижалар қўлга киритилди. Кўмир қазиб олиш бўйича белгиланган топшириқлар анча ошириб адо этилди. Пландан ошқича, 1000 тоннага яқин кўмир қазиб чиқарилди ва 1200 тоннадан зиёд брикет ишлаб чиқарилди. Урток К. Раҳмонов бошлик коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари айниқса яхши нурсаткичларни қўлга киритдилар. Бу бригада аъзолари икки ярим ойда пландан ошқича 900 тоннага яқин кўмир қазиб чиқардилар.

Резервларни ишга солиш ва тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш ҳақидаги Хат кўмир брикетлаш фабрикаси ишчи ва хизматчиларини ҳам янги марраларга руҳлантириб юборди. Ленин юбилей вахтасида туриб ишлаётган бу фабрика коллектив социалистик мусобақани авж олдириб, шу йил 22 апрелгача пландан ошқича 1500 тонна брикет ишлаб чиқаришга қатъий сўз берди. Бунинг учун ишчи сира бўлаштирмасдан бир меъёрга давом эттириш, шоша-шошарлик ва сабасиз бекор турлиш ҳолларига мутлақо йўл қўймаслик тадбирларини белгилди чикдилар ҳамда ун дастлабки кунданок амалга ошира бошладилар.

Шарғун шахтёрларининг энг яхши тажрибали вакиллари Қарағандедаги «Тентекская» шахтасининг учинчи участкасига бориб, уларнинг кўмир қазиб олишни қўлайтиришдаги илгор ва прогрессив методларини ўрганиб қайтилар ва ишлаб чиқаришга дадил жорий эта бошладилар. Натижада кўмир қазиб чиқаришнинг тендерчи учдан бирга арзонлашди, суръати анча тезлашди.

Шарғун шахтёрлар В. И. Ленин юбилейи шарафига социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдиришмоқда. Кон партия ва ҳисабига соҳа ташкилотлари ой сабабига социалистик мусобақанинг йил «социалистик мусобақанинг йили» акцияларини қўқариб, энг яхши коллективларни рағбатлантириш чораларини амалга оширишмоқда, энг илгор ишчиларни пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан ҳар 15 кунда мукофотламоқда. Мусобақадда гўлиб чиққан коллективлар ва бригадаларга ойда икки марта кўча Қизил байроқ ва вилеллар бериб борилади.

Шарғун кончиларининг аҳил коллективни юбилей олди мусобақасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш билан бир қаторда беш йилликнинг сўнги йили бўлган 1970 йилни ҳам меҳнат зафарлари билан яқинлаш учун барча ички имконият ва резервларни ишга солишмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ ҳўжалиғида тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш ҳақида»ги Хати уларнинг дастури бўлиб қолди.

А. ХАЛИЛОВ.

ТАЖРИБА ҲҲТОҚЛАШДИЛАР

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолисига наидат. Марказий Комитет секретари Б. Лахмуров бошчилиғидаги Монголия Халқ-Революцион партияси партия ходимлари делегацияси 11 мартдан 20 мартгача Совет Иттифоқиде бўлди.

Монголиянинг ўртоқлар КПССнинг идеология иш соҳасидаги тажрибаси билан танишдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлимида, ташкилий-партиявий ишлар бўлимида, фан ва ҳукув юртлири бўлимида, маданият бўлимида, КПСС Москва шахар комитетиде учрашдилар ва суҳбат ўтказдилар. «Правда» газетаси редакцияси ва

комбинатиде, «Новости» матбуот агентлиғиде бўлдилар. Монголиялик дўстлар СССРда бўлган вақтларида Ўзбекистонга бордилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде, област партия комитетиде делегацияси суҳбат ўтказдилар. республиканинг саноат норхоналари ва колхозларини бориб кўрдилар.

Делегация 20 мартда КПСС Марказий Комитетиде КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолисига кандидат, Марказий Комитет секретари П. Н. Демишев билан учрашди. Учрашув самимий, дўстона ва зиятда ўтди. Делегация 21 мартда — 9- ватанига жўнаб кетди.

Унвонлар муборак!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. У. УРМОНОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қўп йиллик самарали ишлари ва республикада энергетика ливонлаштиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Шондорлик илмий-тадқиқот институтининг директори, биологик фандари кандидат Хайри Урмоновна Урмоновага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.
1970 йил 20 март.
Тошкент шахри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. Н. ЛЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қўп йиллик самарали ишлари ва республикада энергетика ливонлаштиришдаги хизматлари учун «Ўзбекидроненергострой» трести «Таштрострой» бошқармасининг бошлиғи Семён Иванович Левага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинкор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.
1970 йил 20 март.
Тошкент шахри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

К. Ш. ШАРИПОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ВРАЧ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Врачлик соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари учун ва аҳоли соғлиғини сақлашдаги хизматлари учун Тошкент Тўрмоқчилик институтининг медицина-санитария кафедрасининг меҳнатли қарин Шариповага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.
1970 йил 20 март.
Тошкент шахри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. К. ИСЛОМБЕКОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАРМАЦЕВТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аптека муассасалари системасидаги кўп йиллик, самарали ишлари ва дориндор тайёрлашдаги хизматлари учун Тошкент химия-фармацевтика заводининг директори Султон Қодирович Исламбековга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фармацевт» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.
1970 йил 20 март.
Тошкент шахри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Госплани сув ҳўжалиғи бўлими бошчилиғининг ўринбосари Леонид Куприянович Хмелевский республикадаги план органларидаги кўп йиллик, самарали ишлари учун ва тўғалган юнлига етмиш йил тўғалганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида бинаво Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий брини билан мунофотланди.

Колхоз ва совхозлар тарихи жамоат институти директориининг ўринбосари Гапир Юлдошев республикадаги план, совет, илдор ҳўжалик органларидаги кўп йиллик самарали иш учун ва тўғалган юнлига етмиш йил тўғалганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида бинаво Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий брини билан мунофотланди.

САХИФАСИ

